

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 193 (10.498) 2005 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА
сўзлар

- **БУГУН** 75-мактабда Учтепа туман халқ таълими бўлими томонидан «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими билан ҳамкорликда «Устоз отангай улус» мавзусида тадбир ўтказилди.
- **БУГУН** «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман сардорлари кенгашининг йиллиши бўлиб ўтди.
- **БУГУН** 289-мактабда уюштирилган тадбир ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланди.
- **БУГУН** 214-мактабда Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари билан учрашув уюштирилди.
- **БУГУН** Мирзо Улугбек информатика касбхона коллежида ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан концерт дастури ташкил этилди.
- **БУГУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЕИХ Яққасарой туман бўлими томонидан ташкил этилган концерт дастурида маҳалла ёшлари иштирок этди.
- **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Нўғойқўрғон» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Киз ифти» — гўзал фазилат» деб номланди.
- **КЕЧА** Тошкент Молия институтинда «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан «Аёл — мураббий, аёл — онадир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- **Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, мебелсозлик соҳасида ҳам янги давр бошланди. Бир қатор катта-кичик корхоналар ташкил этилди. Ўзимизнинг ҳомашдан турли хил мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда эса уларнинг тури кўпайиб, сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилган шундай мебеллар борки, хорижийки билан ёнма-ён қўйсангиз асло ажратиб бўлмайди. Уларнинг замонавий дизайни, шакл-шамойили, ранг-баранглиги кишини қувонтиради.



ЎЗБЕК МЕБЕЛИНИНГ ХОРИЖДАГИ ЭЪТИРОФИ

Пойтахтда фаолият кўрсатаётган «Файз» холдинг компанияси ана шундай йирик, нуфузли корхоналар сирасидандир. Очиги, бу ерда ишлаб чиқарилаётган мебеллар сира хорижийкидан қолишмайди.

— Бугунги кунда ўн турдаги асосий маҳсулотимиз тўлиқ маҳаллийлаштирилган, — дейди «Файз» холдинг компанияси бошқаруви раиси Мукаррамхон Азимова. — Айниқса, юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаришдаги изланишларимиз самарали бўлапти. Бундан ҳамаси, беш йилча муқаддам мебелсозликда ўта зарур хомашё — поролон тайёрлаш йўлга қўйилди. Эндilikда бу сингари маҳсулотларни ташқаридан катта валюта эвазига сотиб олишга ҳожат қолмади. Мобеллар тай-

ёрлашда зарур бўладиган формалин, капролакам, нитролак каби материаллар бир пайтлар хориждан ташиб келтирилган бўлса, айни дамларда бундай ашёлар ўзимиздаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилапти.

Ҳозир компаниямиз тасарруфида 26 корхона бўлиб, уларнинг 22 таси бевосита тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари, мустақил йилларида Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Россия, Украина ва бошқа қатор давлатлар билан ҳамкорликда 7 та қўшма корхоналар ташкил қилинган. Ушбу йўналишларда қилинган ҳамкорлик натижаси ўлароқ 16 миллион АҚШ доллари миқдоридан хо-

риж инвестицияси ҳам киритилди. Компаниямиз тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган мебеллар ҳамда халқ истеъмоли моллари ҳажми 200 турдан ошди. Умуман олганда, янада кўпроқ буюртмалар оласа, бу маҳсулотлар турини 1000 тага етказиш мумкин.

Албатта, ўзбек мебелининг бундай равнақи, келажаги истиқлол шарофатидан. Яна энг муҳими, бу маҳсулотларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрликнинг борлиги халқимиз фахридир.

СУРАТДА: «Файз» холдинг компанияси ишчиси Зубайдулло Шукуров.

Дилшод Юсупов (ЎЗА) олган сурат.

XXI саҳоси
Барча маълумлардан олган сўзга хабарлар

- Мамлакатимизда**
- Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан олинган тезкор маълумотларга қараганда, ҳозиргача дала-лардан 2,5 миллион тоннадан зиёд сифатли пахта толаси йиғиб олинган. Бу дерамак, Республика бўйича йиллик шартнома режасининг 70 фоизидан ортиғи ууддаланди.
 - Тошкент ҳарбий округига қарашли Сафарбарлик қақируви резервдаги хизмат батальонидан ойлик йиғин иштирокчиларининг ҳарбий қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.
 - Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат ҳўжалиги пахтакорлари давлат қабул пунктларига 1000 тоннадан зиёд сифатли пахта хом ашёсини етказиб бериб, йиллик шартномавий режаларини Тошкент вилоятида биринчи бўлиб бақардилар.
 - Қарши шаҳри марказида туризмни ривожлантириш билан шуғулланувчи «Nasaf-Travel» компаниясининг «Тонг» номли янги меҳмонхонаси илк меҳмонларни қабул қила бошлади.
 - Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги Шеробод дон маҳсулотлари қабул қилиш шохобчасида уруғлик цехи қурилиб, ишга туширилди. Мазкур цех бир кеча-кундузда 50 тонна уруғлик бугдой тайёрлаб бериш қувватига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш ҳозирги босқичда давлат стратегиясининг устувор йўналиши бўлиб, бу стратегияни амалга оширишда ҳудудий вакилик палатаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати демократик ҳокимият тизимида: қонунчилик фаолияти, парламент назорати, минтақалар билан функционал алоқалар» мавзусида 2005 йил 28 сентябрда Сенатда ўтказилган конференция Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси билан биргаликда Тошкент Давлат юридик институти иштирокида ташкил этилди.

Конференциядан қўзланган асосий мақсад Сенатнинг қонунчилик фаолияти ҳамда назорат қилиш соҳасидаги ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ, сенаторларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ўзаро ҳамкор ва ҳамжихат иш олиб боришини таъминлашга тааллуқли масалаларни муҳокама этишдан иборат эди.

Суза қаққилар Олий Мажлиси палаталари ўртасида қонунларни қўриб чиқишдаги ўзаро ҳамкорлик, келишув комиссиялари тузиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда Сенатнинг назорат қилиш соҳасидаги ваколатларига дахлдор бошқа масалаларга тўқталиб ўтилди.

Сенатнинг вакилик органи сифатидаги ролига конференцияда алоҳида эътибор қаратилиб, умумдавлат ва минтақавий манфаатлар мутаносиблигини таъмин-

лаш унинг асосий вазифаларидан бири эканлигига ургу берилди.

Иштирокчилар конференция иши натижаларини янқлар эканлар, Сенатнинг демократик ҳокимият тизимидаги фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан қатор тақлифлар билдирдилар.

Тавсияларда Сенатнинг назорат қилиш ваколатларини амалга оширишнинг янада муқамалроқ механизмларини ишлаб чиқиш, минтақалардаги мажмууаммоларни аниқлаш ва ўша жойнинг ўзида халқ этиш учун Сенат кўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиб туриш зарур эканлиги таъкидланди.

Конференция ишида сенаторлар, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мутахассислар, Тошкент Давлат юридик институтининг аспирантлари ва магистрантлари иштирок этдилар.

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА АҲБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкентда «Замонавий жамиятда телекоммуникация ва ақборот технологияларининг роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. У Тошкент ақборот технологиялари университети (ТАТУ) ташкил тоғганининг 50 йиллигига бағишланди.

Унда олимлар, алоқа ва ақборот-коммуникация технологиялари мутахассислари, ТАТУ ўқитувчи ва талабалари, Ўзбекистон Фанлар академияси, давлат ва жамоат тузилмалари, чет эл олий ўқув юртлиари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди. Конференцияда таъкидландики,

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда алоқа ва телекоммуникация соҳаси жадал сурьатда ривожланмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ақборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»-ги Фармони соҳа тараққиётига катта туртки бер-

ди. Ҳозир республикада иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ақборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаол иш олиб боришда, жаҳон ақборот ҳамжамиятига кириш учун қўлай шароит яратилмоқда. АКТ соҳаси стратегик ус-

тувор йўналиш бўлиб, иқтисодиётни ривожлантириш воситаси сифатида бақрланмоқда.

Тошкент ақборот технологиялари университети мамлакатимиз фани, миллий таълим тизими ва АКТ соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўшаётгани қайд этилди. Ҳозир олий ўқув юрти мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича бош ўқув муассасаси ҳисобланади.

Мазкур юбилей илмий анжумани Ўзбекистонда алоқа ва ақборот технологияларини ривожлантириш этикболларини белгилаш, АКТ ва таълим соҳасида халқаро муносабатларни қунайитиришга хизмат қилади.

ЎЗА

- Жаҳонда**
- Польшада ўтказилган сайловларда голиб қаққан «Ҳуқуқ ва адолат» партияси етакчиси Ярослав Качиньский мамлакатнинг янги Бош вазири номини эълон қилди. Эндilikда ушбу масуул вазифани Қазимеж Марцинкевич бақарадиган бўлди.
 - Буюк Британия полицияси 21 июлда Лондон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатларида алоқдорликда гумон қилинаётган шахсни қўлга олди. 36 ёшли ушбу шахс мамлакат пойтахтида полициянинг террорчиликка қарши кураш бўлими томонидан ҳибсга олинди.
 - Россиянинг Омск вилоятида 475 киши номалъум юкумли касаллик билан ҳасталанган. Беморларнинг 224 нафарини болалар ташкил этиб, касаллик манбаи ҳозирча аниқланмаган.
 - АҚШнинг Калифорния университетидеда Россия фанлар академиясининг Новосибирскдаги катализ институти ҳодимлари иштирокида концентрлаштирилган олтингургурт кислотасидан миллион бор кучли кислота кашф этилди.

Иқтисодиёт

ФИРМА ДЎКОНЛАРИ ОЧИЛАДИ

Рақобатбардош ва сифатли маҳсулот тайёрлашда уларнинг нафақат ички бозорда ўрин эгаллаши, балки хорижлик харидорларга манзур этишда, албатта бугунги кун талабига жавоб берадиган хорижий ускуна ва дастгоҳларнинг аҳамияти каттадир.

Шу боис ҳам ана шундай талаблар даражасидаги юксак унумли ва сифатли товарлар ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлашда кўлабдиган замонавий линиялар билан жиҳозланган корхоналар маҳсулотларига буюртмалар ортиб бормоқда. Уларнинг бир қисми "Ўзбекистонда тайёрланган" ёрлиги остида жaxonнинг кўплаб давлатлариغا экспорт қилинаётгани ҳам қувонарлидир, албатта.

Ўтган йилда пойтахтимизда Туркиянинг "SEDAT TEKSTIL SAN.VE DIS TIC.LTD STI" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Сағбон-текстиль" корхонасида ҳам ўнлаб маҳаллий хотин-қизлар иш билан таъминланди. Корхонанинг энг замонавий тўқимачилик ва тикув дастгоҳлари, яъни Австрия, Япония, Туркиядан келтирилган хорижий ускуналар билан жиҳозланган цехларида сифатли ва рақобатбардош кийим-кечаклар тайёрлаш кўзда тутилган.

Шу кунга қадар корхона мутахассисларининг изланишлари асосида 20 турдаги кийим-кечаклар моделлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунда, албатта харидор талаби эътиборга олинди. Эрак ва аёллар, болалар ички ва устки трикотаж либослари ўзининг кўриниши, сифати ва ўралиши билан рақобатбардошдир.

Келгусида ишчилар сафини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш кўзда тутилган ушбу қўшма корхонада ҳозирда уста-шоғирд йўналишида ҳам иш олиб борилиб, яқин атрофда жойлашган маҳаллалардаги хотин-қизлар тажрибали тикувчилардан сабоқ олишмоқда, улар билан ёнма-ён ишлашни ўрганишмоқда. Бунда цех усталари, моҳир чеварлар маҳорати кўл келмоқда. Айниқса, бу борада Маърифат Лукмонова, Дилдора Орифжонова, Наргиза Мухаммадҷонова, Моҳира Мираҳмадҷонова, Улфат Ҳакимова, Марҳабо Ақромоваларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Ҳозирда корхонада маҳсулот сифатини ошириш, маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш ва хориждан буюртмалар қабул қилиш йўлидаги изланишлар давом этмоқда. Келгусида эса корхонада тикилаётган хорижикидан асло қолишмайдиган трикотаж товарларини харидорларга етказиб бериш учун фирма дўконларини очиш кўзда тутилган. Энг муҳими эса жaxon андозалари даражасидаги маҳсулот тайёрлашга муҳим ҳисса қўшаётган ишчи-хизматчиларга яратилган иш ва дам олиш шароитлари самара бериши, шубҳасиз.



Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: цехдаги иш жараёни; чевар Дилноза Даминова ва участка устаси Гулноза Тешабоева иш сифатини кўздан кечиришмоқда.
Ҳакимжон Солихов
олган суратлар.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ - ИСЛОҲОТЛАР МЕЗОНИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги мунтазам фаолият кўрсатадиган республика семинарининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. У Президент Ислom Каримовнинг Олий Мажлисининг 2002 йил 30 августдаги IX сессияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг 2005 йил 28 январдаги кўшма мажлисидаги нутқида баён этилган асосий вазифаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастури доирасида ўтказилмоқда.

Бу галги мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентини хузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти ва Ўзбекистон Миллий университети кўмағида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда социологлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-демографик таркиби ва миллий дунёқарашини эътиборга олган ҳолда ижтимоий тадқиқотлар ўтказишда танлаш услубияти хусусиятлари муҳокама этилди.

«Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Ўбайдуллаева семинарини очар экан, ижтимоий тадқиқотлардан кўзланган мақсад нафақат давлат ва нодавлат ташкилотлар, балки аҳолининг кенг қатламлари, айниқса хотин-қизлар ва ёшларни мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланаётганидан хабардор қилишдан иборат эканини қайд этди. Президент Ислom Каримов таъкидлаганидек, жамоатчилик фикри фуқаролик жамияти ҳолатининг мезони саналади. Шу боис жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳамда ўрганиш услубиятини такомиллаштириш энг долзарб масалалардан биридир.

Тадбирда сўзга чиққанлар ошқоралиқни таъминлаш жамоатчилик фикрини ўрганиш механизмининг ривожланиши даражасига боғлиқ эканини қайд этди. Шу сабабли бундай механизмларни, жумладан қисқа муддатда жамиятимиз ривожланишининг асосий масалалари бўйича фуқароларнинг фикрлари тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш имконини берадиган танлаш жараёнини янада такомиллаштириш зарур. Социологларнинг жойлардаги маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари билан яқин ҳамкорлиги бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга ёрдам беради.

Мажлис қатнашчилари ижтимоий тадқиқотларни ўтказиш услубларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

ЎЗА

ЯНГИ АСР ТИББИЁТИ УФҚЛАРИ

Тошкентда ўтказилган МДХ давлатлари кардиологлари ассоциацияси V конгрессининг мақсади олимларнинг энг истиқболли ишланмаларини амалий тиббиётга жорий қилишга қўмаклашиш, мавжуд даволаш-профилактика дастурларини такомиллаштириш ва янгиларини ташкил этиш борасида мутахассислар сўй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришдан иборат эди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази томонидан Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кардиологик илимий-ишлаб чиқариш комплекси, МДХ давлатлари кардиологлари ассоциацияси ва Ўзбекистон кардиологлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Конгрессда МДХнинг кўплаб давлатларидан ташриф буюрган кардиология хизматлари раҳбарлари, етакчи олимлар ва амалётчи шифокорлар иштирок этди.

Жаҳон статистика маълумотларида қайд этилишича, юрак-қон томир касалликлари аҳоли ўлимининг асосий сабаби ҳисобланади. Муаммо глобал хусусиятга эга бўлиб, аҳоли саломатлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга жиддий зарар етказмоқда. Бу муаммо МДХ давлатлари, жумладан Ўзбекистон учун ҳам долзарбдир.

Мутахассисларнинг фикрича, турмуш тарзининг нотўғри ташкил этилиши, кашандалик, липид алмасувининг бузилиши, артериал гипертензия, қандли диабет ва ҳаяжонланиш қон айланиш тизими органлари касаллигининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар сирасига кирида. Ушбу омилларнинг бир пайтада юзага келиши касалликнинг пайдо бўлиш эҳтимолини бир неча баравар оширади.

Шу сабабли конгресс иштирокчилари яқдиллик билан юрак-қон томир патологиясига қарши курашининг асосий ва энг самарали услуби — унинг олдини олиш, деган фикрни билдиришди. Бу борада Ўзбекистонда Президент Ислom Каримовнинг Фармонида мувофиқ амалга оширилаётган Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган аҳолини соғломлаштириш стратегияси эътиборга лойиқлиги қайд этилди. Муваффақиятлар эса кўзга ташланадими. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини қайта ўзгартирилди, ҳудудларда 2700 та қишлоқ врачлик пункти очилди, шошилинч тиббий ёрдам тизими шакллантирилди, республика ихтисослаштирил-

ган марказлари, жумладан кардиология маркази ташкил этилди. Энг яхши халқаро стандартлар асосида тиббиёт кадрларини тайёрлаш ишлари такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари республикамиз ва МДХнинг барча давлатларида юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш тизимини янада ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Бу борадаги асосий вазифа - аҳолини нотўғри турмуш тарзи оқибатлари, қон айланиш тизими касалликларидан оғох этишининг оддий услублари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, касалликка чалиниш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганишга доир дастурни амалга оширишдан иборат.

Баъзи ривожланган мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, унчалик қийин бўлмаган мазкур чора-тадбирлар одамлар саломатлигини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Бундан ташқари конгресс давомида шўъба мажлислари ҳам бўлиб ўтди. Бу мажлисларда кардиология, терапия ва жарроҳликда касалликларнинг олдини олиш, ташхис қийиш ва даволашнинг янги услублари ҳақида 150 дан ортиқ илимий маъруза тингланди. Форум доирасида «Кардиолог мактаби» ишлаб турди, «Берлин-Хемл», «Никомед», «Шварц-Фарма» каби дунёнинг етакчи фармацевтика компаниялари томонидан ташкил этилган 9 та симпозиум ўтказилди.

Шу билан бирга, улар кардиологияда фойдаланиладиган

энг янги доривор препаратлар тақдимотини ҳам ўтказди.

Ёш олимлар танловининг ўтказилиши ҳам конгресснинг энг диққатга сазовор воқеаларидан бирига айланди. Улар таниқли мутахассислар ҳужмига ўз тадқиқотлари натижаларини ҳавола этди. Танлов якунлари мамлакатимизда илмий кадрлар тайёрлаш сифати юқори эканлигини яна бир бор исботлади. Танлов ғолиблари орасида Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг икки нафар ёш ходими — Г.Абдуллаева ва Н.Қурбоновларнинг борлиги бунинг яққол далилидир.

МДХ давлатларида юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш стратегиясига бағишланган давра суҳбати билан конгресс ишига якун расалди.

Уни МДХ давлатлари кардиологлари ассоциацияси V конгрессининг фахрий президенти, академик Е.Ҳазов бошқарди. У 2005 йилнинг Ўзбекистонда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши мамлакатда нафақат соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, балки аҳолида соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшаш фалсафасини шакллантиришга катта эътибор берилаётганининг ёрқин исботи эканини таъкидлади.

Муҳокама якунида конгресс резолюцияси қабул қилинди. Унда юрак-қон томир касалликларига қарши курашининг асосий йўналишлари белгиланди, уларнинг энг муҳими — касалликнинг олдини олиш эканлиги яна бир бор қайд этилди.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири

Тошкентдаги «Ўзқўрғаз-масавдо» мажмуида 11-халқаро туристик ярмарка доирасида Экологик туризм кўни ташкил этилди.

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ КЎНИ

Экологик туризм кўнини ўтказишдан асосий мақсад, маҳаллий аҳолининг табиятни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини жадаллаштириш, табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқарувини такомиллаштириш ва бунинг учун экологик туризмни ривожлантириш, Тошкент халқаро туристик ярмаркаси иштирокчиларини Ўзбекистоннинг экотуристлик салоҳияти билан таништириш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, хорижий сайёҳларни юртимизга жалб этиш, аҳолини иш билан таъминлашни такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадбир иштирокчилари Евроосий фонди кўмағида «Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбектуризм» ва «Экосантур» томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасининг экологик туризм салоҳияти» мавзусидаги кўрғазма билан танишишди. Кўрғазмада Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги кўриқхоналар, табият миллий ёлғлари ва бошқа муҳофаза этиладиган ҳудудлар маъмуриятлари, бир қатор туристлик ташкилотлар ўз экспонатлари билан иштирок этишди. Шундан сўнг «Экологик туризм ва барқарор ривожланиш» мавзусидаги халқаро анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус аъзолари, кўриқхона ва табият миллий ёлғлари раҳбарлари, маҳаллий ҳамда хорижий туристик компаниялар вакиллари иштирок этишди.

«Туркистон-пресс»



2005—Сихат-саломатлик йили

ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА ИШГА ТУШДИ

Мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили муносабати билан, шунингдек, «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, жумладан халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида янги-янги шифоналар, оилавий поликлиникалар бунёд этилмоқда.

Сергели туман ҳокимлиги кўмагида «Нўғойқўрғон» маҳалласида ҳашар йўли билан 11-оилавий поликлиниканинг янги шохбчаси бунёд этилди. Яқинда ушбу поликлиниканинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, туман ҳокимлигидан вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. Поликлиниканинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар эндиликда туман аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилишда мазкур поликлиника ва унда хизмат кўрсатадиган тиббиёт ходимларининг ҳиссаси самарали бўлишини таъкидладилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур маҳаллада дастлабки тиббиёт пункти 1924 йилда ташкил этилган бўлиб, унда фақат бир тиббиёт ходими ва ёрдамчиси фаолият кўрсатган. 1948 йилга келиб бир шифкор, тўрт нафар ҳамшира аҳолига хизмат кўрсатган. 1955 йилда эса мустақилликнинг бинода 10 та бемор ўрнига мўлжалланган касалхона очилган. Ҳозирда бузилган поликлиниканинг эски биноси 6 та хонадан иборат бўлиб, санитария-гигиена талабларига жавоб бермас, даволаш муассасасида шарт-шароитлар мавжуд эмас эди. Турли хил тиббий таҳлилларни топшириш учун маҳалла аҳолиси бошқа поликлиникаларга қатнашди.

— Сихат-саломатлик йилининг ҳудудий дастурига мувофиқ маҳалла аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида туман ҳокимли-

гининг ташаббуси билан поликлиниканинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қурилиши бошлаб юборилди, — дейди 11-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Учқун Валиев. — Қурилиш ишлари 2005 йилнинг февраль ойидан бошланиб, сентябрга қадар давом этди. Поликлиникани бунёд этиш ишлари «Метромахсуз-қурилиш» ташкилоти томонидан олиб борилди, шу билан бирга қурилиш ишларида тумандаги деярли барча корхона ва ташкилотлар қатнашдилар. Жумладан, «Ўзбекистончирокметалл», «Амадина» ҳусусий фирмаси, «Қизил оғоч» фирмаси, «Қўёшдан ҳимоялаш» заводи, «Кравс», «Мебель» акциядорлик жамиятлари ҳамда барча уй-жой мулкдорлари ширкатлари иштирок этдилар. Шунингдек, поликлиника ҳудудини ободонлаштириш ишларида туман ободонлаштириш бўлими ишчи ва ходимлари муносиб ҳисса қўшдилар. Поликлиниканинг қурилиши ва мебеллар билан жиҳозланиши учун жами 60 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Ҳозирда лойиҳа қуввати бир кунда 50 нафар беморга малакали тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган 18 хо-



надан иборат поликлиникада барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу билан бирга даволаш муассасаси комплексига замонавий дориҳона ҳам фаолият кўрсатиб, эндиликда маҳалла аҳолиси дори-дармон харид қилиш учун маҳалла ҳудудидан ташқарига чиқишга эҳтиёж сезмайди. Бу албатта аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хаста беморлар дардига малҳам бўлишда катта аҳамият касб этади.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Сергели туманидаги 11-оилавий поликлиниканинг янги шохбчасининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов
олган суратлар.

Тошкентда Ахборотлаштириш бўйича алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорлик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Россия, Озарбойжон, Беларус, Молдова ва Тожикистоннинг алоқа маъмурияти вакиллари иштирок этди.

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Йиғилиш қатнашчилари Тунисда ўтказиладиган ахборот жамияти масалалари бўйича бутунжаҳон учрашувига тайёргарлик жараёнининг боришини, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга оид давлат дастурларининг амалга оширилиши, электрон-рақамли имзони жорий этиш ва МДХ мамлакатларида масофавий таълимни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилди.

МДХ давлатларининг ахборот технологиялари соҳасидаги стандартларини уйғунлаштириш, биометрик маълумотлардан фойдаланган ҳолда, уларни паспорт-виза назорати тизимини ташкил этишда қўллаш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш борасида ҳукуматлараро ҳамжиҳатлик ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Алоқа маъмурияти вакиллари ахборотлаштириш соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш, тажриба алмашишни йўлга қўйиш, шунингдек, минтақавий ҳамкорлик комиссиясига аъзо давлатларнинг умумий тақлифларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни миллий ахборотлаштириш дастурларида амалга ошириш учун илгари суриш зарурлигини ақдллик билан таъкидлади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон — Хитой: МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Хитой Халқ Республикаси пойтахтида Пекин маданият ва сайёҳлик халқаро фестивали — 2005 аънавий анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Жаҳоннинг 15 мамлакати вакиллари ямлаган мазкур маданий тадбир иштирокчилари орасида Тошкент вилоятидаги «Тўрғай» фольклор гуруҳи ҳам бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, МДХ ва Шарқий Европа мамлакатларидан фақат ўзбекистонлик санъаткорларгина ушбу халқаро анжуманда қатнашмоқда. Чунки қабул қилинган тартибга биноан, фестивал ташкилий қўмитасининг жиддий танловидан ўтган гуруҳларгина мазкур тадбирда иштирок этишга муяссар бўлади.

Маданий анжуманининг очилиш маросимида Хитой ҳукумати, дипломатия миссиялари ҳамда ХХР пойтахти жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

«Тўрғай» гуруҳи санъаткорлари ижросида намойиш этилган миллий куй ва қўшиқлар тадбирдаги энг ёрқин чиқишлардан бири бўлди. Буни хитойлик мусиқа илосмандларининг бот-бот олқишлари тасдиқлаб турди. Чунки

«Тўрғай» гуруҳи чиқишларида Ўзбекистон замини ҳамда халқининг илиқ тафти ва гўзаллиги ўз мужассамини топган эди.

Ушбу анжуман билан бир пайтнинг ўзиде Хитой пойтахтидаги «Минг йиллик обидаси» кўргазмалар маркази ҳамда Тасвирий санъат асарлари музейида Пекин замонавий санъат асарларининг иккинчи халқаро кўргазмаси ҳам иш бошлади. Ташкилотчилар қарорига қўра, замонавий хорижий санъат асарларининг кўргазмаларидан бири Ўзбекистон санъати мавзуга бағишланди. Унда Ж.Раҳмонов, Х.Зиёёнов, А.Исаев, Ш.Абдуллаева ва бошқа ўзбекистонлик мўйқалам усталарининг ижод намуналари намойиш этилади.

«Жаҳон» АА

Транспорт

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига шаҳар транспортчилари катта тайёргарлик кўришди. Шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналарида амалга оширилган техник тадбирлар самараси ҳам қутилган натижани берди.

Ижодкорлик ва омилкорликда яхши кўрсаткичларга эришган илғор транспортчилар меҳнати муносиб тақдирланди. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясига қарашли 2-троллейбус депоси, «5-такси саройи» акциядорлик жамияти ва бошқа қатор корхоналарда илғорликка эришиб келаётган бир гуруҳ фидойилар «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти фахрий ходими» кўкрак нишони билан мукофотландилар.

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ САМАРАСИ

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси тизимида техника ижодкорлиги кенг ривож топмоқда. Бунинг натижаси ўларок эҳтиёт қисмлар, узел ва техник мосламаларнинг янги намуналари юзага келмоқда.

Жумладан, янги хил ресурсор кронштейнларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ремэлтранс» корхонаси техника ижодкорлари излашилари ҳам таҳсинга сазовор. Бу корхона рационализаторлари Тошкент қишлоқ ҳўжалиги машина-созлиги заводи билан биргаликда «ЛАЗ», «ДЭУ», «Отайўл» русумли автобусларга тормоз барабанларини, «МАЗ» двигатели балкаларини тайёрлашга эришдилар. Соленоид ғалтакларини ишлаб чиқаришда эса «Ротор» корхонаси билан ҳамкорлик қўл келди.

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Пойтахтимиздаги «2-Автобус саройи» акциядорлик жамияти йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш борасида қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. «Мерседес-Бенц» русумли автобуслардан унумли фойдаланишга ҳам эришилмоқда.

Ҳозир корхона ихтиёрида бундай қўлай транспорт бористасидан 67 таси бор. Улар қатнови 100 дан ортик ҳаракат таркибини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари «Мерседес-Конекто», «ДЭУ» русумли автобуслар ҳам йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Озод АББОСОВ

Яхши анъана ҳамisha ўз самарасини беради. Шу боис ҳам ана шундай анъаналарни давом эттириш, бойитиш, янги саҳифалар билан тўлдириш катта аҳамият касб этадики, буларнинг барчаси унинг бардавомлигини таъминлабгина қолмай, қизиқувчилар сафини кенгайтиради, кўзланган эзгу ниятга элтади.

7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ҳамшаҳарларимиз хонадонига ҳар оқшом меҳмон бўлиб, дам олиш соатларида уларнинг дил қулфини очувчи, керакли ахборотлардан, пойтахтимиз ҳаётидан фикр-мулоҳазаларини тинглаш, керак бўлса танқидий қарашлардан тўғри хулоса чиқариш учун жойларда мулоқот ва учрашувлар ўтказишдир. Албатта, бундай мулоқотларнинг самараси ҳам обунда, ҳам газетхонлар сафининг кенгайишида, шунинг баробарида уларнинг дилидаги гапларни топиб айтишда, нашрнинг ўқимишлилигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда синов даврининг, яъни обун мавсумининг муваффақиятли ўтиши маълум маънода ана шундай очиқ мулоқотларга ҳам боғлиқ. Негаки, кўз кўзга тушади, очиқ айтилган гаплар, ўзаро дилдан суҳбат газета ва муштарийни бир-бирига боғлайди, мустаҳкам кўприк бўлади. Албатта, бунда танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи ҳукмрон бўлса, нур устига аъло нур.

“Оқшом” газеталарининг пойтахтимиз туманларида анъанавий тарзда бошланган очиқ мулоқотнинг навбатдагиси ҳамisha обод Миробод туманида бўлиб ўтди. Тадбирда тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбар ҳамда ходимлари, тадбиркорлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллар, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари, солиқ инспекцияси вакиллари — газетага ошно бўлган ва муштарий бўлишни дилга туккан мирободликлар иштирок этишди.

Шу ўринда мустақиллик йилларида янада чирой очган Миробод, унинг кўп миллатли аҳил одамлари, турли соҳалардаги изланиш ва янгиланишлар ҳақида маълумот беришни жоиз деб билдикки, шу боис ҳам учрашув олдиан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Улфат ШАРИФХЎЖАЕВни суҳбатга чорладик.

— Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, — дейди Улфат Муродович, — бугунги кунда туманимизда олиб борилаётган ҳар бир иш, вазифани режалар эканми, унинг замирида имкон борича юртимиз ободлиги, аҳоли фаровон турмушини таъминлашга ҳисса кўшиш ётади. Шу боисдан кейинги йилларда нафақат туманимиз ташқи қиёфасида, балки одамларимиз онгида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланишига эришиш ниятидамиз. Биргина бунёдкорлик кўлами хусусида тўхталадиган бўлсак, аввало замонавий турар жой биноларини айтиш ўринли. Чунки ўнлаб оилалар янги уйларга кўчиб ўтишди. “Госпитал” даҳаси, Нукус, Шевченко, Мовароуннаҳр кўчаларидаги кўп қаватли турар жой бинолари хонадонларида порлаган чироқлар кўлаб оилалар дилини равшан этгани, шубҳасиз. Замонавий турар жой бинолари қурилиши давом этмоқда. Бундан бир неча йил олдин Нукус кўчаси ўзига хос қиёфа касб этган бўлса, бу йил Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Шевченко кўчаси қайта таъмирланиб, кенгайтирилиб, икки

томонлама транспорт қатнови йўлга қўйилди. Марказий Темирийўл вокзалининг таниб бўлмас қиёфаси, ён-атрофидаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш юмушлари нафақат мирободликларга ёки ҳамшаҳарларимизга, балки пойтахтимиз ҳақидаги таассуротлар олишни худди шу ерда бошлайдиган меҳмонларга ҳам қулайлик дея оламиз. Шунингдек, вокзалда соябонли ўтиш йўлагининг қурилиши, янги, йўловчиларга қулайлик яратган автобуслар шоҳбекатининг қад ростлаши ҳам қувонарлидир.

Чиндан ҳам туманда жойлашган Темирийўлчилар маданият саройи ва музейи биноларига қайта таъмирлашдан сўнг файз кирди ҳамда уларнинг ён-атрофида боғ барпо этилмоқда. Тумандаги 6 та олий ўқув юрти сафи эса янги ўқув йилидан бошлаб яна биттага ортди. Бу Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 21 июлда қабул қилинган “Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан тумanning Мироншоҳ кўчасидаги бинолар мажмуи қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этиб институт жамоасига топширилгандир. Боровский номи тиббиёт коллежи ҳам жорий ўқув йилида қайта таъмирланиб, замонавий жиҳозланган хоналарда ўғил-қизларни бағрига олди.

Туманда 2005 йилнинг биринчи ярмида ялпи ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма нархларда 54 миллиард сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоизга оқорилиги, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш 12328,1 миллион сўмга бажарилиб, 4,1 фоизга зиёд бўлганлиги иқтисодий ислохотлар самарасидир. Эндиликда 9 ойлик яқунларининг ҳам ижобий натижаси кутулмоқда. Бу борада, “Ўзэлектроаппарат”, “Ўзкимёфарм”, “Фотон”, “Ўзтемирийўлмаштаъмир” сингари бозор талаблари

асосида иш юритаётган йирик ишлаб чиқариш корхоналари, “Билдинг-технолоджи” қўшма корхонаси, “Холос”, “Акватех” сингари тадбиркорлик билан фаолият кўрсатаётган жамоаларнинг ўрни алоҳида.

Туман аҳолиси, айниқса ёшлар-

тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш учун тумандаги 716 та кўп қаватли уйларида ихчам ширкатлар ташкил қилишга эътибор қаратилиб, яшовчиларнинг ўз мулкларига муносабатларини ўзгартиришга ҳаракат қилинмоқда.

бўлмапти, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик фаол эмас. Шу боис ҳам газета саҳифаларида бу борадаги оммалаштиришга арзирли тажрибалар акс этса фойдадан ҳоли бўлмас эди. Чунки ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп, уларни қамраб олишда эса тар-

тўхталди. Чунки муштарийлар берган баҳо, билдирилган ҳар бир фикр келгусида газетхон дилидагининг акс этишида жуда муҳимдир.

Албатта, обуначиларга келгуси йилдан газетанинг чоп этиладиган бичими, туманлар ҳаётини ёритишга ўзига хос ёндашувлар, янги рукнлар, турли мавзулардаги таҳлилий мақолалар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Шунингдек, “Шанба оқшомида”, “Субботний вечер”, иловаларини чиқариш режаланаётганлигини муштарийлар маъқуллади.

Мулоқотда сўзга чиққанлар ҳам “Оқшом” газеталари ҳақида илиқ фикрларни билдиришиб, ўз мулоҳазаларини баён этишди. Айниқса, маҳалларда у ёшу кексага бирдек ҳамроҳ бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди, янаям сермазмун, қизиқарли мақолалар ўқишга рағбат билдирилди. Буларнинг барчаси эса “Оқшом”нинг ўз ўқувчилари, доимий мухлислари, қўллаб-қувватловчи муштарийлари борлигидан далолатдир. Албатта қуйидаги фикр-мулоҳаза ва савол-жавоблар буни яққол кўрсатиб турибди:

● **Роза АВЕЗЖОНОВА, Ш.Рашидов номи маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:**

— “Оқшом” газеталари нафақат яхши дам олиб, ҳордиқ чиқаришимда, балки иш фаолиятимда ҳам катта ёрдам беради. Енгил ўқиладиган, кенг қамровли, воқеа-ҳодисаларни қисқа ва лўнда баён этадиган ушбу газеталарни қўлимга олсам, нафақат пойтахтимиздаги, балки мамлакатимиздаги, ҳатто жаҳондаги воқеалар ҳақида батафсил ахборотга эга бўламан. “XXI аср садоси” “Пойтахтнинг бир куни” рукнларини севиб ўқийман, Президент Фармон ва ҳукумат Қарорларининг барчаси билан танишиш имкониятига эга бўламан. “Коммунал хўжалиги: истиқбол ва муаммолар” кўш саҳифасидаги мақолалар, фикр-мулоҳазалар, дам олиш саҳифасидаги ҳикматли сўз, ибратли ҳикоятлар менга ёқади. Шу боис ҳам нашрни шундай мазмунли чиқаришда ҳисса кўшаётган, изланаётган газета ижодий ходимларининг меҳнатини эътироф этиб, журналистлардан миннатдор бўлган ҳолда “Оқшом” газеталарига келгуси йил учун ҳам бажонидил обун бўламан.

● **Камолиддин ЖУМАЕВ, хусусий тадбиркор:**

САВОЛ: Тадбиркорлар учун имкониятлар эшигини очган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорларига оид материаллар газетада қандай акс этди? Ушбу соҳани ёритишда келгусида нималарга эътибор қаратилади?

ЖАВОБ: Фармонлар ва Қарор эълон қилинган кунлардан бошлаб тадбиркорлар, турли соҳа ходимларининг уларнинг аҳамияти, моҳияти ҳақидаги мақолалари чоп

этиб келинмоқда. Шунингдек, тадбиркорларга тушунтиришлар ҳам берилмоқда. “Тадбиркор” кўш саҳифасида “Сўранг, жавоб берамиз” рукни остида саволларга батафсил жавоблар қайтарилмоқда. Келгусида ҳам ушбу ишларни давом эттириш баробарида, тадбиркорларга тўсиқ бўлаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш ниятидамиз. Юқоридаги Фармонлар ва Қарор ижроси жойларда қандай самара бераётгани ҳақида таҳлилий мақолалар уюштирамиз. Албатта, бу борада сиз тадбиркорларнинг ёрдамингиз керак бўлади, фаоллигингиз муҳим аҳамият касб этади.

● **Нигмат БЕКНАЗАРОВ, “Мерган” маҳалласи оқсоқоли:**

САВОЛ: Негадир газета муштарийларга кечикиб этиб келади? Уни оқшомда олиб ўқисак, айни муддао бўларди...

ЖАВОБ: Бу жуда ўринли савол ва талаб. Албатта, бу борада бизнинг ҳам бироз сусткашлигимиз бор, буни тан оламиз. Биз ҳозирда газеталарни муштарийларга етказиб беришчилар билан шу хусусда келишув арафасидамиз. Бунинг ижобий ҳал бўлишига ҳаракат қиламиз.

● **Меҳриниса ҲАКИМОВА, “Ўзбекистон” маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:**

— “Оқшом”ни қўлга олганда аввало биз аёллар оиламизга, фарзандларимиз ва набираларимизга ибрат бўларли мақолаларга кўз югуртираемиз. Шу боис Ҳадислардан намуналар, ибратли ҳикоятлар, “Болаларингизга ўқиб беринг” рукни остида материаллар кўпроқ бериб борилса, муштарийларга маъқул келарди, деган фикрдиман...


Ақсарият тадбир қатнашчилари саволлардан кўра фикр-мулоҳазаларини билдиришни афзал кўришди, албатта, бу газета ходимларининг фаолиятини янада самарали ташкил этишида, ижодий изланишларида ижобий роль ўйнайди.

Тадбирни яқунлар экан Улфат Шарифхўжаев пойтахтимизнинг юзи, кўзи бўлган “Оқшом” газетаси ижодий жамоасининг келгуси ишларида муваффақият тилаш баробарида замон билан ҳамнафас бўлишни истаган ҳар бир инсонга ахборот воситалари, жумладан газеталар катта ёрдам беришини таъкидлади. Энг муҳими эса мулоқот очиқ ва ошқора ўтди, дилдаги гаплар тилга кўчди. Ушбу мулоқотдан шу нарса аён бўлдики, қўллаб муштарийлар “Оқшом” газеталарини севишади, қадрлашади. Шу боис бизнинг ҳам мирободлик газетхонларимиздан умидимиз катта.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан ва Мирободнинг бугунги кунидан лавҳалар акс этган.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

“Оқшом” газеталари — 2006 йилда МИРОБОДЛИК МУШТАРИЙЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА



га маърифат улашишга, маънавиятини юксалтиришга эътиборни ҳам айтиш керакки, 8 та кутубхонанинг узлуксиз фаолияти китобхонларни мамнун этмоқда. Ўғил-қизларнинг билим олишларига эътибор кучайтирилиб “2004-2005 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури”га асосан 53,175-мактаблар капитал, 218-мактаб жорий таъмирлангани отаналар ва педагогларни ҳам хушнуд қилди.

Президентимизнинг “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

— Бугунги кунда ушбу уйларида киши мавсумига тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда. — дейди ҳоким ўринбосари. — Шу кунгача ҳам кўплаб уйларида ҳомийларни жалб этган ҳолда йўлақларни таъмирлаш, темир эшиклар ўрнатиш, болалар ўйин ва спорт майдончаларини қайта қуриш, ён-атрофни обод этиш ишлари адо этилди. Лекин шу ўринда, афсусланарли ҳолатларни таъкидламай иложимиз йўқки ҳали кўплаб яшовчиларимиз — ширкат аъзолари боқимандалик кайфиятидан қутула олмапти, уйларида ўз мулкларидай муносабатда

ғибот ва ташвиқот муҳим аҳамият касб этади...

Мулоқотни “Оқшом” газеталарининг ташкил топиши, асосий мавзу доираси, бугунги ва келажакдаги режаларини баён этиш билан бошлаган бош муҳаррир Акмал Ақромов тумanning бугунги салоҳияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталди. Шунингдек, “Оқшом” журналистларининг ижодий фаолиятлари ривожига, газеталарнинг жонли ва ўқимишли чиқишида, мавзу доирасининг ранг-баранг ҳамда қизиқарли бўлишида, пойтахтимизнинг барча ҳудудларини қамраб олишида муштарийлар фаоллигига ҳам алоҳида

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори, техника фанлари доктори Руфат Маҳкамов ана шундай эъзозлашга лойиқ устозлардан. Илмий жиҳатдан катта салоҳиятга эга бўлган Р. Маҳкамов саодатга элтувчи билм ва илм йўлидан бориб, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. 1954 йили Бауман номидаги Москва олий техника билим юртига ўқишга кириб, аспирантурани муваффақиятли якунлади. Москва станок жиҳозлари институтининг номзодлик диссертациясини 1961 йилда химия қилиб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ишга келди.

Ўтган йиллар давомида домла минглаб ёшларга сабоқ берди. Талабаларини яхшиликка, эзгуликка, ростгўйликка, билимга ташналикка, ҳалолликка, инсонпарварликка, ватанпарварликка етаклади. Заҳматқаш устоз ўзига муносиб толеи баланд шогирдлари билан ҳамшиша фахрлини юради. Улар орасида раҳбарлар, ўқитувчи ҳам ички ишлар ходими-ю етук муҳандис ҳам, олим-у ижодкор ҳам бор. Устозга ҳавас қилиб, ундан ўрганиб, тўқимачилик машинасозлиги соҳасини танлаганлар, институт, факультетнинг деярли барча ўқитувчи-ҳодимлари домлани ўз устозлари деб билдилар.

Руфат Маҳкамовнинг олмос орқали қаттиқ қотишмаларни тозалаш илмий муаммоларига бағишланган мавзуси бўйича Ватанимизнинг тўқимачилик машинасозлиги корхоналарида олимлар қатор илмий тадқиқотлар олиб бордилар. 28 нафар фан номзодлари ва 9 нафар фан

докторини тайёрлаган устоз ҳамон илмий изланишда. Устоз 1976 йилда фан доктори илмий даражасини ёқлаган бўлса, 1987 йилда эса профессор илмий унвонини олишга мурассар бўлди. 1982 йили мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишларини юқори даражага кўтаришдаги муваффақиятлари, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашдаги ютуқлари ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги натижалари бўйича севимли

юқори профессорлар, олимлар билан доимо алоқада эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Зеро, бу илмий алоқалар ташки иқтисодий ва илмий тараққиётни орттириш билан бирга, олимларимиз салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса устознинг жаҳонгашта олим эканлигидан далолат беради.

Руфат ака асли табиатан камтарин инсон. Кўнгилчанлик, одамийлик талабларини тарозига ташлаган тақдирда ҳам ўзи учун эмас, балки ўзидан ҳам кўра ўзгалар учун кўпроқ ишлайди. Устоз шундай кўнгилчан, андишали, фойдойи, сажий қалб соҳиби ҳамдир. Институтдаги талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар, барча дунё механик олимлари, республика пахта заводларининг раҳбар ходимлари, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари Руфат Маҳкамовнинг номини доимо ҳурмат билан тилга олишадди.

Устозга "Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби" фахрий унвони берилди. Шунингдек, самарали меҳнатлари учун ҳукуматимизнинг қатор медаллари ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шуни таъкидлаш керакики, устознинг шогирдлари ҳозирги кунда Германия, Австралия, Куба, Иордания мамлакатларининг пахта, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида фаол меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозиргача 170 дан зиёд илмий-тадқиқот ишларини чоп эттирган, 8 та дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратган, 14 та муаллифлик гувоҳномасига эга устоз кафедрада ўз шогирдлари билан ҳамкорликда меҳнат қилиб келмоқда.

Руфат Маҳкамовнинг яна катта бир фаолияти — халқаро илмий алоқани мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Дарҳақиқат, Америка Қўшма Штатлари, Чехословакия, Руминия, Туркия, Германия, Англия ва бошқа давлатлардаги илмий салоҳияти

Институтда "Тўқимачилик машинасозлиги" кафедрасини ташкил этган, тиниб-тинчимас устоз ҳозирги кунда ҳам зўр шижоат билан фаолият кўрсатиб келмоқда. Кўп йиллик педагогик, назарий, илмий тажрибага эга устоз ҳамон изланишда. У давр талаби асосида бакалаврият ва магистратура талабаларига, аспирант, докторантларга дарс ўтиришда, дарснинг таъсир кучини оширишга, бир сўз билан айтганда замон билан ҳамнафас бўлишга интилмоқда. Сафимизда шундай куюнчак, жамоа эъзозлайдиган, ардоқлайдиган устозлар кўпаяверсин!

Абдусаттор АБДУГАФФОРОВ

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида "Сизга таъзим, Устозлар!" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Музейларда

СИЗГА ТАЪЗИМ, УСТОЗЛАР

Унга шаҳримиздаги ўрта мактаб, олий ўқув даргоҳлари талабалари, устозлар ҳамда музей фахрийлари тақлиф этилди. Фахрийлар турли олий ўқув юртларида ёшларга ўзларининг бой тажрибалари, чуқур билим, касб-маҳоратларини эринмай ўргатиб келадиган мураббий-ўқитувчиларга ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фахрий ёрлиқлари топширилиб, дил сўзлари изҳор этилди.

— Тадбиримизга пойтахтимиз мактабларининг ўқитувчилари ва ўқувчиларини тақлиф қилдик, — дейди музей директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исроилова. — Режа асосида улар билан ҳамкор, ҳамжихатликда йил охиригача кўплаб тадбирлар ўтказилади. — Албатта, тадбир қатнашчилари учун "Маъмун академияси — 1000 ёшда" деб номланган қизиқарли кўргазмамиз экспонатларини малакали мутахассисларимиз шарҳилаб берадилар, ёшлар эса ўзларини қизиқтирган барча саволларга қониқарли жавоб ҳам олишадди. Музейимизнинг сергайрат жамоаси шу кунларда янги — "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган" деб аталадиган катта кўргазма намойишига тайёргарлик жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Бундан ташқари кейинги ойда Ўзбекистон Республикаси Амалий санъат музейининг кўргазмалар залига юртимиз чавандозлигининг тарихи, бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар — осори атиқларимизни намойиш қилишни режаланганмиз. Ушбу мавзу XVIII-XIX асрлардаги халқ хунарамандчилиги дурдоналарини қамраб олиши билан эътиборли.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Алоқа

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХА

Пойтахтимизда телекоммуникация ривожлантириш йўлида ҳам тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Бунда "Тошкент шаҳрининг телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш" лойиҳаси муҳим амалий аҳамият касб этмоқда.

Ушбу истиқболли лойиҳа маҳаллий телефон тармоқларини ривожлантириш ва рақамлаштириш даражасини ошириш мақсадида юзага келди. Германиянинг Алоқа банки кредити ҳисобидан "Алкател Сел Аг" компанияси билан ҳамкорликда тузилган шартнома асосида фаолият кўрсатаётган бу йўналиш жараёнида маънавий жиҳатдан эскирган, аналогли қурилмаларни алмаштириш ишлари бажарилмоқда.

Шунингдек, мазкур техник асбоб-ускуналарнинг телефон рақамларини янада оширишга эришилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ЦЕХ

Кейинги йилларда мамлакатимизда алоқа тизимида кўплаб янги хизмат турлари юзага келди.

Абонентларни Интернетга улаш, электрон почта маълумотларини факс апаратида жўнатиш, телефон апаратидан "овозли" маълумотларни электрон почта манзилгига этаклаш каби хизмат турлари шулар жумласидандир.

"Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали телеграф алоқаси цехининг янги ускуналар билан жиҳозланиши бу каби техник тадбирларни сифатли адо этиш имконини берди.

Истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатаётган бу цехда яна қатор техник янгиликлар юзага келди.

ЯНГИ ЎҚУВ

АДАБИЁТЛАРИ

Тошкент Ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари тадқиқотларини китоб ҳолида чоп этишлари кенг йўлга қўйилган. Натижада талайгина илмий тўпламлар босиб чиқарилди.

Олий ўқув юртининг кўпканалли электралоқа факультети олимлари изланишлари ҳам қатор нашрларда ўз аксини топди. "Радио электроника ва радиотехника элементлари", "Радиотехник тизимлар ва қурилмалар" деб номланган илмий тўпламлар эндиликда талаба-ёшлар учун фойдали ўқув қўлланмалар бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирда янги дарсликлар устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

ЖАҲОНГАШТА ОЛИМ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзларидида бор билимларини, маҳоратларини, чексиз меҳр нурларини атрофдагиларга улашаврадилар ва бундан чексиз хузур топадилар. Чунки уларнинг маънавий дунёси, тафаккурининг теранлиги олиб бораётган фаолиятидан маълум. Том маънода бундай устозлар юксак эҳтиромга лойиқдирлар. Зеро, офтоб бутун борлиқни ўз нури билан ёритганидек, устозлар кўпгина инсонлар дунёсини нурафшон этадилар.

Тадбирлар

ЯНГИ АВЛОД ЮЛДУЗЛАРИ — МУРАББИЙЛАРГА

Устозларнинг машаққатли меҳнати ҳақида сўз кетганда, биринчи навбатда муҳаббат, меҳр ва саховат остида кўз очаётган булоқлар, азим чинорларга айланган ниҳоллар гавдаланади ва улар шуласида устозларнинг нури чехраси, улугвор қалби, машаққатли ва шарафли касби намоён бўлади.

Ҳозирда Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб шаҳримизнинг барча масканларида байрам тантаналари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Кун кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида "Янги авлод юлдузлари — Устозларга" деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Тадбирда "Янги авлод — 2004", "Янги авлод — 2005" болалар ижодиёти фестиваллари совриндорлари, усмирлар симфоник оркестри жамоаларининг куй, кўшиқ, рақслари ҳамда "Илҳом" театри режиссёри ва актёри Борис Гофуров томонидан сахналаштирилган "Қирол шер" болалар мюзиклидан парчалар намойиш этилди.

Ушбу байрам концерти дастурини навқирон авлод тарбиясига бутун ҳаётини бағишлаган инсонлар учун болаларнинг самийи ижодидан қадри бир совға деса ҳам бўлади. Болаларнинг ҳар бир чиқиши устозлар қалбига

қувонч, юзларига табассум ҳада этди. Мазкур концертни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Аёллар кенгаши" нодавлат нотижорат жамоат бирлашмаси ҳамкорликда ўтказдилар.

Биз концертдан сўнг ўқитувчилар фикрини билишга қизиқдик.

Дано ОБИДОВА, 123-мактабнинг химия фани ўқитувчиси:

— Ростини айтсам, жудаям хурсандман, ҳаяжондаман. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Аёллар кенгаши" бирлашмаси ходимлари ҳар биримизни гуллар билан кутиб олишди. Концерт жуда дилтортар ва сержило ўтди. Болажонларнинг бегубор табригидан, куй-қўшқларидан шодлан-



дик. Хуллас, ҳаммаларига раҳмат. Устозларни ўзим номимдан, 123-мактаб жамоаси номидан чин дилдан табриқлайман. Илоҳим юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, болаларимиз илмли-одобли бўлишсин.

Ўқитувчи деган шарфли ном ҳамшиша эъзозланаверсин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида бўлиб ўтган концертдан лавҳа.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Ошша даврасида сўхбатлар

Бу уйнинг деворлари қачонлардир лойсувоқ қилиниб, шундайлигича қолиб кетган. Атрофни ўт қоплаган, кириш дарвозаси қийшайиб рангини йўқотган... Остонадан ичкарига кирган кишининг кўзи ховли юзасидаги иккита симли ўриндиққа, уларнинг устидаги унниқиб кетган тушанчалари-ю эгаси сингари четда мункилаб турган иморатга, йиллар давомида қаралмагани боис табиат таъсирида қатқалоқ бўлиб кетган ерга тушади. Аммо бу хонадонда бундан-да аянчлироқ яна бир бошқа манзара ҳам мавжуд эди: бундай қаровсизлик қўлида кўриш ва эшитиш қобилияти заифлашган, кекса ўқитувчи ўз-ўзи билан нималарнидир асабийлашиб сўзлашарди, унинг бутун умри болалар орасида ўтган бўлса-да, қариган чоғида ёлғизлиб қолганди...

Кекса аянинг уйларига кириб борганимизда, уларни ховлидаги супада кўкка термулиб, нималарнидир гапирётганликлари устидан чиқди. Хира кўзлари бизнинг ичкарига кирганимизни сезмади, шу боис келганлигимизни овоз чиқариб билдирдик.

— Қирқ йил умрим ўқитувчилик билан ўтди, — дея сўз бошлади София Шокирова. — 1930-1935-йиллар ҳаётимда энг оғир давлар бўлди. Аммо у вақтлар келажакка интилиб

яшардим. Натижада... Қаранг, бугун мана шундай катта ховлида ёлғизман... Буни сабабини авваламбор ўзимдан ахтараман, албатта. Бироқ, бунда ўша пайтлардаги мустабид тузумнинг ҳам таъсири йўқ эмас. Мен каби ёшларда биринчи ўринда

Қизимнинг бир ногирон ўғли бор. Кейинчалик уйимни ўшанга қолдириш истагим бор. Шунинг учун бугунги кийинчиликларга буви сифатида чидашим керак. Аммо барибир ёлғизликдан кўркаман...

Онахонинг сўзларини эшитиб, бошқа савол беришга ҳам ботинмадик. Бироз олдиларида бўлиб, хайрлашдик. Оғир тафсилотлар билан кўчага чиққач, маҳаллага кириб ўтишни лозим деб билдик.

Маҳалламизда олти мингга яқин аҳоли яшайди. 65 нафар ижтимоий химояга мухтож, 68 нафар фронт ортида хизмат

розилик билдираётганлари йўқ-ку? — дедик биз ички изтиробимизни яширолмасдан.

— Тўғри, — деди вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиб маҳалла оқсоқоли, — аммо бизни ҳам тушунинглар, ҳисоб рақамимизда ортиқча пул йўқ. Бировни эшигини тақиллатиб кириш учун ҳам жуда бўлмаганда иккита наон олиш керак, бунинг учун эса маблағ зарур...

Оқсоқолга мавзудан четлашиб кетаётганлигини, София аянинг моддий ёрдамга мухтож эмаслигини, ёлғизлиги боис маҳалладан эътибор истаётганлигини кайта-кайта таъкидласак-да, бироқ у ҳамма нарсани охири бориб пулга тақайвериши бизни албатта ранжитди.

Меҳр — бу кўнглидан чиқади деган туйғу. Шу туйғу орқали гўдак дунёга келади. 90 ёшли София ая ҳам айнан шу туйғу истагидадир. Тўғри, буни кимдандир талаб қилиш мумкин эмаслигини ҳам яхши тушуниб турибмиз. Шундай бўлсада, биз халқимизда азал-азалдан меҳр-окибат, қолаверса, инсоннинг бошқа инсон олдидаги бурчи, масъулияти деган тушунчалар мавжудлигини ёдда тутиб, волидасини ёлғизлатиб қўйган фарзандларга, ҳар нарсани иқтисодий муаммоларни рўқач қилаётган айрим маҳалла фаолларига инсонийликдан йироқлашмасдан вақт теглигини бироз тўхтатиб, ёнингиздаги ёши бир асрга яқинлашган кўнглингиздан озгина жой беринг, дегимиз келди холос. Эртага бизни нима кутаяпти? Бу ҳақда хатти-ҳаракатимиз орқали бугундан ўйлайлик, азиялар.

Шахло ХОШИМОВА

МУРУВВАТНИ ДАРИФ ТУТМАЙЛИК, АЗИЗЛАР

Сергели тумани, "Нўғойкўрғон" маҳалласи, Неъмат Қаҳҳоров кўчаси, 58-уйнинг соҳибаси София Шокирова аяни кўнларда 90 ёшни қораламоқда. Бу нуруний онахон ҳақида сўз бошлаб, унинг атрофдагилардан эътибор истаб, ёлғизликда ўтказётган давларини газет-хонлар ҳукмига ҳавола қилишни ният этдик. Лекин авваламбор шуни ҳам таъкидламоқчимизки, биз бу чиқишимиз орқали кимнидир ёмонлаш ёки кимнидир оқлаш фикридан йироқмиз...

ойла эмас, жамяят учун фидойилик каби тушунчалар турарди. Ўқувчиларга билим беришни билибману, ўз болаларимга оналик меҳрини беролмабман. Шунга яраша эндиликда улардан нимани ҳам талаб қиламан... Аммо кексайганимда фарзандларинг, яқинларинг, қариндош-уруғининг, қўни-қўшнию, маҳалла-қўйининг биргина илиқ сўзига саҳрода сувсиз қолган кишидек муштоқ бўларкансан... Ёнимдаги қўшим ва фарзандларим ҳар замонда бир-бир хабар олиб туришади, лекин маҳалла оқсоқоли мени кўрса, юзини тескари қилади... Ёшим 90 га кирди. Қулғон эшитмайди, кўзларим яхши кўрмайди, бозор қилишга кучим йўқ.

қилганлар бор, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла фаюролар йигини раиси Абдукарим Раҳимов. — Имкониятимиз даражасида ёлғиз қарияларимиз ҳолидан хабар олиб тураимиз. София аяга келсак, уларнинг ўғил-қизи, бир нечта набира-лар бор. Аяни ёлғиз деб бўлмайди. Касаллигидан эса биз беҳабар эдик.

— Софиё опа ҳамма нарсдан норози бўлаверадиган инсонлар тоифасига кириди, — дея суҳбатга аралашди маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси, нафақадаги ўқитувчи Зумрад Муродова. — Мана, мазали, мен эл ташвишида югуриб юрибман, ҳеч кимга норозилик билдираётганим йўқ.

— Ая моддий тарафдан но-

Шарқ дурдоналари



● ХИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан кўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсари, Хинд рожаси, Чин фағфури ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир мавнодаги сўзларни турли ибратда баён илға тиздилар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқнадомат тордим. Аммо айтганга сўзларимдан ҳеч пўшаймон бўлмадим!» Назм:

Айтилмаган сўздан надомат етмас, Сўз айтилгач, ундан зарар юзланар!

Хинд рожаси ақл дарёсидан дур хозирлаб, баён илға терди-ю, деди: «Сўз ўқи баён камонидан хали отилмаган экан у менинг қўл осимидадир. Оғиз камонидан отилиб чиқса, унга энди эгалик қилолмайман!» Байт:

Айтилмаган сўзни айта олсан, Айтилгани қачон тўта олсан?! Айтилгани қачон тўта олсан?!

У давом этди деди: «Хар сўз ўқи камондан утса ва хар қалима оғиз зиндонидан қўчса, уни қайтариб оламан дейиш хом хаёлликдир!» Байт:

Шошилмоқдан тийгин доимо ўзни, Истаганда айтсанг бўлади сўзни!

Чин фағфури сўз бўстонида гулдаста хозирлаб, тўхфа қилган ҳолда деди: «Сўз қўши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг изминдир. Бордию, у тил ошёнасидан парвоз қилса ҳеч қачон уни тўтиб бўлмайди.» Байт:

Қуш қафасдан учиб кетганда ҳар дам, Тутаман деб уни тортмагин алам!

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб кириди, хоҳласа парда орқасида пинҳон тутта олади. Байт:

Сўз келини жилва қилмаган замон, Соҳибнинг қўли остида пинҳон.

Хоҳлаганда уни баён қилади, Хоҳлаганда яна ниҳон қилади!

● Вафоло одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.

● Ёшлиқда шундай иш қилки, қариганимда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

● Ёшлиқ мастлиги шароб мастлигидан ортиқ. Йигит йигитдан йиқилади, аммо таслим бўлмайди.

● Бир сандиқ олтидан бир зарро ақл яши.

● Тинимсиз зийратдан малоллик туғилади.

● Йўлга чиқибдан аввал йўлдош кидир.

● Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

● Байт: **Яхшилар айбидан кўз юмгин ҳар он, Ҳасад кўзи билан боқмагил зиён. Ўз айбинг кўрмоқча юз марта кўз оч, Ўзгага бир бор ҳам кўз очишдан қоч!**

Назм қилишни

МЕҲР БАЎҚИБ ТУРАДИ

Меҳр бақиб туради яхшиларнинг кўзидан,
Кайфият кўтарилар улар айтган сўздан,
Нафратингни кўзгайди ёмоннинг башараси,
Нур ёғидади кўнгли очикларнинг юзидан.
Тарбияни вақтида берган ота-оналар,
Кўп барака топади ўғлидан ва қизидан.
Эй дўстларим, сира ҳам хато қилмади Тура,
Бориб илмли, доно кишиларнинг изидан.

АРАЛАШГАНДА

Иш юришмас виждони тўмтоқ аралашганда,
Касбини дуруст билмаган нўпоқ аралашганда,
Яхлит бахмал ё атлас либос нақадар гўзала,
Хунуклашади кийим қуроқ аралашганда.
Турли гуллар яннаса, боғинг хусни ортади,
Қиройини йўқотар янтоқ аралашганда.
Таомларни мазали қилувчи масаллақдир,
Овқат тазали бўлади қаймоқ аралашганда.
Тура, Ватанимизда халқларимиз ҳамжамчат,
Иттифоқлик бўлмайди ниҳоқ аралашганда.

БОҚИШЛАРИ ЁҚИМЛИ

Энг ўтқир нима деса, онанинг қаҳри дейман,
Энг иссиқ нима деса, уларнинг меҳри дейман.
Боқишлари ёқимли, қувонтирар кўнглини,
Дунёдаги зўр бардош оналар сабри дейман.
Олушлари болага ором беради, мудом,
Осмон каби жуда кенг уларнинг қалби дейман.
Жабр, заҳмат чекишлар оламда анча, лекин
Тура, энг оғир жабр — оналар жабри дейман.

Тўра ЖУМАН

Ёши вақтингизда

КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Япония автомобили маркаси. 4. Футбол майдонидаги қўриқланадиган жой. 10. Қурилишда ишлатиладиган маъдан. 11. Л.Толстой романи номидан: "...Каренина". 12. "Одам бўлиш қийин" романи муаллифи. 15. Африкадаги давлат маркази. 18. Меъморий ёдгорлик. 19. Эроннинг шимолий-шарқидagi тарихий вилоят. 20. "Ажиб воқеалар" асарини ёзиб қолдирган ўрта аср тожик ёзувчиси. 21. Сўфийлик тарикатларига берилган ном. 25. Юнон математик олими. 26. Анчиқ таъм. 27. Йирик бўғма илон. 31. Транспорт воситаси харақати теглигини кўрсатувчи асбоб. 33. Газ. 34. Ҳарбий техника. 35. Санъат тури. 36. Қарши борувчи.

БҮЙИГА: 2. Радиоактив модда. 3. Диний арбоб. 5. Олди очик бино. 6. Коинотни ўрганиш мақсадида учирилган ракеталар туркуми. 7. Бухородаги меъморлик мажмуи. 8. Усимликлар олами. 9. Тафаккур қонуниятларини ўрганувчи фан. 13. Халқ ҳўжаллигининг юк ва йўловчилар ташиш тармоғи. 14. Пойтахтимиздаги меъморий обида, мадраса. 16. Рус ихтирочиси. 17. Ёзувчи Ж.Абдуллахонов романи. 22. Чўл ҳайвони, йирик қалтақесак. 23. Маълум вақт давомидаги тебранилшлар ҳисоби. 24. Португалия футбол жамоаси. 28. Мусикавий саҳна санъати. 29. Суворий. 30. Спорт тури. 32. Эркақ исми.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 15 СЕНТЯБРЬ СЕНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ёйлар бўйича: 1 «Навоий». 2. Павиан. 3. Машина. 4. Футбол. 5. Мусика. 6. Қарбон. 7. Сарбон. 8. Хумдон. 9. Булбул. 10. Харгум. 11. Сандон. 12. Намуна. 13. Картон. 14. Самара. 15. Вакуум. 16. Сатира. 17. Панама. 18. Бухоро. 19. Мусича. 20. Нодира. 21. Мохора. 22. Борона. 23. Домино. 24. Алмайи. 25. Аллома. 26. Мавоза. 27. Бақара. 28. Қасида.

МУАММОМА

Очқич сўзлар: 1. «Қуйгай». 2. Нишон. 3. Туз. 4. Беда. Мақол: Одбо — кишининг зебу зийнати.

Спорт

ЭНГ КУЧЛИЛАР ДОНА СУРМОҚДА
 Ўтган куни Аргентинада халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ томонидан ташкил этилаётган навбатдаги жаҳон чемпионати бахслари бошланди.

Шуни айтиш керакки, бу галги тождорлар беллашувидан бугунги кунда жаҳонда энг етакчи саккиз нафар гроссмейстер — Вишванатан Ананд (Хиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Петер Лекко (Венгрия), Петр Свидлер (Россия), Александр Морозевич (Россия), Майка Адамс (Англия) иштирок этмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада аёллар ўртасида энг кучли шахмат усталаридан бири — Юдит Полгар ҳам галаба учун кураш олиб боради. Ва ниҳоят ўтган йили Триполида ўтказилган жаҳон чемпионатининг голиби, ноёб истеъдодга эга ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам турнирда дона суриб, ўзининг энг кучлилари ичида ҳам кучли эканлигини яна бир бор исботлаши керак бўлади.

16 октябрга қадар давом этадиган жаҳон чемпионати бахслари икки даврдан иборат тарзда ўтказилиб, гроссмейстерлар бир-бирлари билан икки мартадан дона сурадилар. Турнир голиби жаҳон чемпиони унвонига эга бўлиши билан бир қаторда салмоқли мукофот — 300 минг АҚШ доллари билан ҳам тақдирланади.

Биз жаҳон чемпионати мусобақаларида Рустам Қосимжоновга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.
 (Ўз мухбиримиз)

Хурматли Тошкент шаҳри аҳолиси! Тошшаҳарнур Давлат унитар корхонаси ташқи кўчаларни ёритиш масалалари юзасидан барча таклиф ва эътирозларингизни 132-20-20 телефон рақамларига туну кун давомида билдиришингизни сўрайди.

«KAPITALBANK» — VISA INTERNATIONAL АЪЗОСИ

VISA INTERNATIONAL уюшмасининг ижроия кўмитасида «KAPITALBANK» акционерлик-тижорат банкини аъзолликка қабул қилишга қарор қилинди. Бу яқин келажақда «KAPITALBANK» мижозларига VISA тизими халқаро пластик карточкалари бўйича хизмат кўрсатилишини ағлотади.

Ўзбекистоннинг мазкур банкининг жон

рий йилдаги ривожланиш стратегияси кўрсатилаётган хизматлар турини анчагина кўпайтиришни кўзда тутди. VISA INTERNATIONAL га аъзоллик банк мижозлари учун янги имкониятлар очди. Энди уларга ҳамма халқаро банк карталари ҳамда жозибадор сервис пакетини шакллантириш учун турли қўшимча хизматлар таклиф этилмоқда.

ЎзА

ДАВРА СУХБАТИ ЎТҚАЗИЛДИ

“Бунёдкор” ёшлар телеклубида “Экология” гуруҳи томонидан халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги, орзу-интилишлари, юксак инсоний туйғуларини топташга уринадиган қора кучларга қўшимча жавоб беришга эл-юртимиз ҳаммиса қодир эканлиги ҳақида ёш авлод вакиллари билан юзма-юз мулоқот қилиш мақсадида “Биз эркин ва фаровон ҳаёт кўрмоқдамиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда телеклуб ёшлари ва Ҳамза номидаги мусика коллежининг маънавият ва маърифат ўқитувчиси Ҳакима Исмоилова иштирок этди. Суҳбатни ўтказишдан мақсад ёшларни тинч ва фаровон ҳаётга чорлаш, огоҳликка даъват этиш борасида фикр алмашидан иборатдир.

Зиёда МИРХОЖИЕВА

МИНГ БИР МАСЛАҲАТ

Сабзавотларни таом тайёрлаш олдидагина артиб, тўғралиши керак. Уларни узок муддат сувга солиб қўйиб бўлмайти. Акс ҳолда дармондори ва минерал тузларининг бир қисми сувда парчаланиб кетади.

Баъзилар юмшоқ пишади, деб сабзавотларни узок қайнатишади. Бу тўғри эмас. Идишга етарлича сув қўйиб, қопқоғи ёпиб пиширилса, буғ кислородни ҳайдаб чиқаради ва дармондорилар оксидланмайди. Идишнинг қопқоғи очик ҳолда пиширилгандаги қараганда дармондорилар икки марта кўп сақланади. Ловияни эса идишнинг қопқоғини ёпмасдан пишириш керак, шунда қорайиб кетмайди.

Салат ва винегретларда каротин моддаси сақланиши учун сметана ва майонезни фақат дастурхонга тортиш олдида кўшиш керак. 2-3 соат туриб қолса, салат сувватини деярли йўқотади.

Сабзавотлар тузли сувда пиширилса, таркибидаги дармондориларнинг 70 фоизидан ажралади. Шунинг учун пишиш олдида туз солиш керак.

Мунажжим башорати

ОДАТИЙ, АММО ЁҚИМЛИ КУН 30 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Бугунги жума, мунажжимларимиз таъбирига кўра, оддий кунлардан бири, ижобий хусусиятлари ҳам оз эмас ва шу туфайли ёқимли кунларимиздан бири бўлади, дейишимиз мумкин.

Бойлик, фаровонлик, катта куч ва гуллаб-яшнаш равоиш Оқ айиқ бугунги кун руҳини белгилайди. Яъни шу кун тадбиркор, тиниб-тинчимас, бесунақайроқ кўринса-да, саноат ишлаб чиқаришини беш қўлдай биладиган омадли бизнесменлар иши юришади. Бундай одамлар ҳамма нарсани мустақил ҳал қилишади, уларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан ҳеч ким айтиб беролмайди.

Ишбилармон, омилкор кишилар бугун ўзларини ишда мустахамликлари, нозик ҳис ва қудратли кучга эга эканликларини яна бир бор намоён этадилар. Уларни алдаб бўлмайди — фирромликин дарров пайқаб, нопок кишиларга ишониммайди, ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олишади. Уларнинг муҳим фазилатларидан бири бошқаларга ҳам ҳомийлик қилиб, қўмақ бериб, умум ишига муҳим ҳисса қўшиб боришади. Уларнинг кўпчилиги санъатсевар кишилар бўлишади.

Заргарлар, рассомлар, тош ва маъданга ишлов берадиганлар учун ҳам бугунги кун яхши келади. Бугун меҳмон кутиш, хуштаъм таомлар тайёрлаш, саховатингизни намойиш этиш, аёлларга совғалар ҳада қилиш ҳам хурсандчилик ва яхши кайфият

Тошкентда спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бошланди. Унда мамлакатимизнинг етакчи спортчилари билан бир қаторда қирқга яқин умидли ёшлар ҳам голиблик учун курашишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон кубоги дастурига кўра илк бахслар ўғил болалар ўртасидаги саралаш турларидан бошланди. Мусобақада бешта йўналишдан йигирма беш иштирокчи асосий баҳс босқичларида қатнашишмоқда. Айтиш жоизки, Ўзбекистон кубогида бош мукофотни қўлга киритган спортчилар халқаро турнир бахсларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўғил болалар ўртасидаги учрашувлардан сўнг мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўз олган мутасаддилар қатнашчиларни қизгин қўтлаб, мусобақаларда уларга омад ёр бўлишини тиладилар. Шундан сўнг ёш иқтидорли гимнастикачи қизлар ўзларининг кўрғазмали чиқишларини намойиш этишди. Мусобақада Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларидан келган спортчилар пешкадалик қилишмоқда. Мусобақа йигирма тўққизинчи сентябрь куни ўз ниҳоясига етади.

Рустам ХАЙДАРОВ, “Туркистон-пресс”

бахш этади.

Калит ёки майда пулларни йўқотиш бугун нохушлик аломати ҳисобланади. Калитнинг синиши ёки қўлфинг бузилиши ҳам шундай талқин этилади. Лекин қутилмаганда қўлингизга пул тушиши ҳимоянгиз борлиги ва тўғри йўлдан кетаётганингизни билдиради.

Бу кеча кўрадиган тушларингиз аҳамиятли бўлиб, улардан олган ахборотларингиздан фойдалансангиз бўлади. Ҳатто ўзингизга ёққан тушни кўришни ният қилиб ётсангиз — уни кўришингиз мумкин.

Кўзларингизни эҳтиёт қилинг. Шунингдек, пешоб йўллари хасталикларга мойил бўлишини ёдда тутинг.

Оқ, қизил ва олтинранг либослар бугун сизга яхши кайфият ҳамда омад бахш этиши мумкин. Бошдан-оёқ янги кийимлар кийиш ҳам бугун омадингиз келишига хизмат қилади. Қора ва кўк туслардан нарироқ бўлинг.

БУГУН:

- ҳар қандай ишни бошлаш мумкин: зеро, унинг яхши натижа билан якун топиш эҳтимоли катта;
 - жиҳозларни, машғулот турини, иш ва ўрин жойини алмаштириш;
 - янги мутахассислиқни ўзлаштириш;
 - омадингиз келишига умид боғлаб, турли танловларга қатнашингиз;
 - янги дўстлар орттириш;
 - бозор, дўконларни оралаб, арзон харидлар қилиш;
 - чапдастик ва актёрлик қобилиятларини намоён этиш тавсия этилади.
- Илмий ва сиёсий фаолият билан шуғулланиш, жуда муҳим муаммоларни ҳал этишга уринишдан ўзингизни тийганингиз маъқул.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади
БИРЖА САВДОЛАРИГА КҮЙИДАГИ ДАВЛАТ ОБЪЕКТИ ҚҮЙИЛДИ:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган, Тошкент вилояти ҳокимлиги балансида бўлган, уч қаватли бионинг биринчи қаватидаги умумий майдони 380,0 квадрат метрга тенг бўлган қисми. Бошлангич баҳоси — 45 947 943 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳар, Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган савдо дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир савдо дўконининг бошлангич баҳоси 3 000 000 сўмдан.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
 Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.
 www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
 хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма табоқ обфет усулини босишди.
 2496 нуссда босилди. Қоғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
 Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
 Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етакчи бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа анцидардик компанияси босмаюнаси.
 Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.